**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИДАН**

# РЕФЕРАТ

Mavzu: **«Интернет-банк» тизимли дастурий таъминоти**

Бажарувчи: **А.Маманов**

Илмий раҳбар: **М.Турсунов.**

**Қарши - 2016 й**

**«Интернет-банк» тизимли дастурий таъминоти**

**Режа.**

1. **Кириш**
2. **Умумий маълумотлар.**
3. **Тизимли дастурнинг талаблари.**
4. **Тизимда ишлаш**

## Кириш

Фан-техника тараққиёти тарихида жадал сурьатда ривожланаётганларидан бири сўзсиз компьютер-технологияларидир. Ишлаб чиқариш жараёними, таълим соҳасими биз албатта компьютер техникаси ва дастурлари билан тўқнаш келамиз. Шу боис охирги 10 йил ичида бир қанча дастурлар ва тизимли дастурий таъминотлар ишлаб чиқилди. Буларнинг негизида, албатта, ҳар бир соханинг иш унумдорлигини ошириш, шароитини яхшилаш ва енгиллатиш кўзда тутилган.

Ҳурматли юртбошимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсатда аввамбор ёшларнинг бекор юрмасдан, даромад манбаларини ошириши учун кенг шароитлар яратиб берилмоқда. Шу боис, мамлакатимизда Кичич бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қўллаб-қувватланмоқда.

Бу жараёнда, тадбиркорларимиз албатта, бир неча давлат ва нодавлат ташкилотлар хизматларига эхтиёж сезади.

Шунга кўра, биз бугун тадбиркорлар ва банклар ўртасидаги ўзаро маълумотлар алмашиш воситаси бўлиб, хизмат қилаётган, тадбиркорлар иш жараёнини енгиллатиб, мушкулини осон қилиб, вақтини тежаб бераётган **«Интернет-банк»** тизимли дастурий таъминотига қискача тўхталиб ўтамиз.

## 1. Умумий маълумотлар.

«Интернет-Банк» дастури маълум давр орасида мижоз ва банк ўртасидаги ўзаро алоқа ишлаши учун мўлжалланган.

Ушбу жараёнда мижоз қуйидагиларни бажариши

-ҳисоб-рақамларнинг ҳолатини кўзатиши;

-ҳисоб-рақамга тушган маблағлар тўғрисида тезкор маълумот олиши;

-тўлов топшириқномаларини киритиш ва банк муассасасига жўнатиши. Ушбу жараёнда жўнатилган хужжат (тўлов топшириқнома)лар зудлик билан банкнинг маълумотлар базасига келиб тушиб, келгусида банк томонидан қайта ишлаш учун банкга рухсат очилади;

-ҳисоб-рақамлар ҳолати бўйича рўйхатни, ҳисоб-рақам қолдиқ – айланма қайдномасини, кенгайтрилган шаклда турли ҳисобот даврлари бўйича маълумотларни шакллантириши;

-тўлов хужжатларини тури бўйича белгилаб олиб, уларни архивини кўздан кечириши;

-корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритувчи 1С тизимида шакллантирилган тўлов хужжатларини киритиш ёки импорт қилиши;

-«Интернет-Банк» дастурида яратилган матнли хужжатларни корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритувчи тизимига киритиш ёки экспорт қилиши;

-маълумотлар базасини кузатиши (масалан: чет-эл валютаси курси, банк бўлимларининг маълумотларини) мумкин.

## 2.Тизимли дастурнинг талаблари.

«Интернет-Банк» дастурини муваффақиятли ишлаши қуйидаги воситалар ва дастурлар зарур бўлади:

-Windows операцион тизими ва Internet Explorer 5.5 ва ундан юқори версияси ўрнатилган бўлиши;

-Internet Explorer дастурининг созланмаларида расмларни акс эттириши рухсат этилганлиги, ActiveX қимлари ва моделлари қўшилган бўлиши шарт. Бу рухсат буйруқлари Internet Explorer дастурини биринчи маротаба созланаётган

вақтда ўрнатилади. Рухсат созланмаси шахсий компьютерда фойдаланувчининг админстраторлик ҳуқуқи билан ўрнатилганлиги.

-компьютер Интернет тармоғига уланган бўлиши;

-ҳимоя калитисиз «Интернет-банк» тизимидан рўйхатдан ўтиб ва ишлаб бўлмаслиги сабабли, ушбу хавфсизлик калити корхона раҳбари ёки бош ҳисобчисида бўлиши шарт.

## 3.Тизимда ишлаш.

Тизимга кириш.

Ускуна ҳимоя калитини USB флешкага ўрнатиб, «Интернет-Банк» тизимини бошланғич саҳифасини юкланг.

Қуйидаги шаклда ойна очилади:




Кириш махфий сўзи ёки рақами (пароли) ҳамда тизмдаги рўйхат коди (*код регистрации*)ни теринг. Кейин кириш (***Вход***) тугмасини босинг. Махфий сўз (Пароль) муддати бир ойдан ошмайди ҳамда ушбу паролни узингиз бошқарасиз. (Созланмалар бўлими «**Настройки»** – Махфий сўзни ўзгартириш «**Смена пароля**»).

Рўйхат коди (*Код регистрации*) тизмга кўтилмаган ва тасодифий киришлардан қўшимча ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади. Унинг узунлиги 6 рақамдан иборат. Кодлар аниқ кўринмай қолса, браузерни ёпиб қайта очиш керак бўлади. Бу амални браузернинг бошқарув панелида жойлашган «**Обновить»** тугмасини босиш орқали амалга ошириш мумкин.

Ушбу жараёнда қайта-қайта териб тизимни юклантириб қуймаслик учун хар бир код териш бир марта берилади ва улар орасидаги вақт бир дақиқани ташкил

этади. Қайта териб браузерни юклантириб қўйилса, браузерни қайта учириб-қўшишга тўғри келади.

Муваффақиятли рўйхатдан ўтгандан сўнг қуйидаги ойна очилади:




Ушбу ойнанинг очилиши тизимда муваффақиятли рўйхатдан ўтганликни билдиради. Ушбу сахифа очилиши маълумотлар характерига эга эканлигидан далолат берадли.

Ишни бошлаш учун *(юқорида қизил кўрсатгич билан белгиланган)* хаво рангли «Интернет-банк» тугмасини босиш керак.

Саҳифада банк бўлимидан очилган ҳисоб-рақамлар жадвали юкланади. Юкланган ушбу ҳисоб-рақамларни кўриш ва бошқариш фақатгина тизм админстратори ва банк бўлимида рухсат бўлади:




Ҳисоб-рақам ҳолатини тўлиқ кўриш учун зарурияти бўлган ҳисоб-рақамни сичқонча кўрсатгичи билан белгилаб олиб, *(белгиланган қатор ёзув ости ёниб туради – ушбу ҳолат расмдаги жадвалнинг 1-қаторида кўрсатилган)* **«Детали»** тугмасини босилади.

Белгиланган ҳисоб-рақам тўғрисида тўлиқ маълумотлар (***Карточка счета)*** ойнасида очилади:




Бу саҳифани таҳрирлаш имкони юқ. Таъкидлаш жоизки, у фақатгина кўриш учун мўлжалланган.

**«Назад»** тугмаси босиш фойдаланувчини **«Счета»** саҳифасига қайтаради.

**Бошқарув органлари.**

Келгусида шуни инобатга олиш керакки, бошқарув элементлари тизмнинг кўплаб саҳифаларида жойлаштирилган.

**Кузатув тугмалари.**



Ушбу тугмалар экран формасининг юқори ўнг қисмида жойлашган.

Тугмалар вазифаси:

-**НАЗАД –** олдинги саҳифага қайтаради.

-**ОБНОВИТЬ** – жорий ойнадаги маълумотларни янгилайди. Ушбу тугманинг қулайлиги, киритилган ёки юкланган тўлов топшириқномаларини ҳолатини кузатиш имконини беради.

-**СПИСОК** – фойдаланувчи исми ва паролини тўғри ёзиб киргандан кейин, биринчи саҳифа топшириғига ўтишни имконини яратади.

-**ПОМОЩЬ** – маълумотлар контекст ойнасини очади.

-**ВЫХОД -** «Интернет-банк» тизимида жорий ишни якунлаб, тизимни бошланғич кириш холатига олиб келади.

**3.2.2. Асосий менюлар.**




Сичқонча тугмасини асосий меню элементларига олиб борганда унинг остида кичик менюлар пайдо бўлади. Агар ушбу ҳолатда кичик менюлар очилмаса, демак, асосий меню элементлари кичик менюларни ўз ичига олмаган.

Агар, асосий меню экран саҳифасида кўринмаётган бўлса, кузатув тугмалари қисмидан «Назад» тугмасидан фойдаланиб, асосий менюни қайта очиш мумкин.

**Жорий жадвалда кузатув элементлари.**

Агар жорий ойнада жадвал шаклланса, ушбу жадвалнинг чап ёнида қуйидаги шаклни кўриш мумкин:




.

Ушбу элементнинг чап ва ўнг кўрсатгичлари, кўп саҳифали жадвалларини олдингиси ёки кейингисини кўриш имконини беради.

Агар жадвал саҳифалари жуда кўп бўлса, керакли саҳифани топиш учун кичик оқ майдонча ўрнига шартли саҳифа рақамини киритиб, «**ИДТИ»** тугмаси босилади. Ушбу ҳолатда керакли саҳифадаги кўрсатилган жадвалга тез сурьатда ўтилади.

**Жадвал маълумотларини фильтирловчи бошқарув элементлари.**

Агар экранда кўрсатилган жадвал жуда катта бўлса, фақатгина жадвалнинг керакли қисмининг белгиланган қаторига ўтиш ёки куриш учун (масалан, кўплаб хужжатлар ичидан айнан, «проведен» ҳолатдагисини) қидирув элементларидан фойдаланиш лозим




Улар жадвалнинг юқори ўнг қисмидан жойлашган.

Чап оқ майдонча йиғилувчи йиғилувчи қидирув руйхати ҳисобланиб, у кўрсаткичга босганда фаоллашади...

Кейин **ИСКАТЬ** тугмаси босилади.

Кундалик ишда кўплаб хужжатлар рўйхати билан ишловчи фойдаланувчиларга қулайлик учун «Фильтр» тугмаси бўлиб, қидирув гуруҳининг ўнгроғида жойлашган.




**Изох:** Ушбу тизмли дастурий таъминот *(X)* корхона мансабдор шахсларининг ваколати ва хизмат доирасида фойдаланиладиган дастурлари ҳамда *(X)* ишлаб чиқарувчилар томонидан тижорат мақсадида фойдаланишга берилганини ҳисобга олиб, уларнинг муаллифлик ҳуқуқини сақлаш учун қисқартирилган шаклда келтирилди.

## Фойдаланган адабиётлар


1. Шафран Э. Создание Web-страниц: самоучитель-СПб:Питер,2001.-320с.
2. Игорь Шапошников HTML4 «БХВ-Петербург» 2002.
3. А.Р.Марахимов, С. И. Рахмонкулова «Интернет ва ундан фойдаланиш асослари». Тошкент-2001.
4. Матросов, Сергев, Чаунин. HTML 4.0 в подлиннике. BHV-СПб, 2000
5. Вайнам Л, Вайнам В, Динамический HTML. Диасофт 2001
6. Уилтон П. Java Script. Основы. Символ-плюс. 2002
7. М.Арипов. Internet ва E-mailда ишлаш, Университет нашриёти, 2000.
8. Ziyonet.uz
9. Dastur.uz
10. www.intuit.ru